



Проект

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ

### Ўзбекистон Республикасининг “Ижара тўғрисида”ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида QL-693/22-2

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 декабрда қабул қилинган 427–ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ижара тўғрисидаги қонунига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 45-модда; 1993 й., 9-сон, 329-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон ) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг биринчи қисмидаги** «чунончи» деган сўз «давлат рўйхатидан ўтмаган кўчмас мулклар бундан мустасно» деган сўзлар билан алмаштирилсин:

2) **5-модда** қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кўчмас мулк ижара шартномалари давлат рўйхатидан ўтказилиши ва давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйилиши лозим. Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

3) **22-модда:**

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижара корхонасини ташкил этиш, бошқариш, унинг фаолияти ва уни тугатиш ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади»;

**олтинчи қисми** чиқариб ташлансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Президенти**

**Ш. Мирзиёев**